



ЧУСТ ТУМАНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ



ЧУСТ ТУМАНИДАГИ ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАР



ЧУСТ ТУМАНИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Туман тўғрисида қисқача. Наманган вилоятидаги туман. 1926 йил 29-сентябрда ташкил этилган. Шарқдан Тўрақўрғон, шимоли-шарқдан Косонсой, жануб ва ғарбдан Поп, жануби-шарқдан Мингбулоқ туманлари, шимолдан Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 0,92 минг км². Аҳолиси 200 минг киши. Туманда 1 шаҳар (Чуст), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ахча, Боймоқ, Варзик, Каркидон, Карнон, Олмос, Оғасарой, Шоён, Шўркент, Гова, Ҳисорак) мавжуд. Маркази - Чуст шаҳри.

Чуст атамаси - тез, ўткир, текис, равон, силлиқ маъноларини англатади. Чуст шаҳри Олмос-Варзик тоғ олди текисликларида Чустсой атрофида денгиз сатҳидан 1200метр баландликда вилоят маркази Намангандан 40км узоқда жойлашган. Чустдан қадимда Буюк Ипак йўли ўтган бўлиб водийнинг энг катта бозорларидан бири жойлашган, ўша даврдаги карвонсарой, ўрда ва тош қўрғонлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Тошкент - Ўш катта автотрасси ўтадиган Чуст туманининг маркази ва атрофидаги қишлоқларда турли даврлар (Антик давр, Бронза даври, Ўрта асрлар)га оид яна ҳам янги маълумотлар олиш мумкин бўлган 14 та археологик объектлар ва 18 та меъморий ёдгорликлар борлигидир. Буюк Ипак йўли ўтган, ҳунармандчилиги ривожланган, дунё тан олган салкам тўрт минг йиллик тарихга эга Чуст пичоғи ва икки минг йилдан узоқ тарихга эга Чуст дўпписи, тикувчилик, тўқувчилик, тери пишириш (кўнчилик), косиблик, дегрезлик ва бошқа-бошқа қадимий ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлган бу шаҳарнинг савдо-сотик ва тижорат бўйича ҳам ўзининг алоҳида ўрни бор. Қадимдан сақланиб қолган турли ҳунармандлар маҳаллалари Бофанда(тўқувчи), Дўзанда(тикувчи), Чармгарон(тери пиширувчи), Дегрези (қозон қуювчилар) ва Сабззор (сабзавотлар етиштирувчи) каби маҳаллалар ва кўчалар номи шулар жумласидандир.

Чуст шаҳри тарихи бронза даврига, яъни эраиздан аввалги II мингинчи йилларга тўғри келади. Аниқроғи Чуст 3700 йил олдин маданияти гуркираган шаҳар бўлган. Чуст шаҳрининг бундай даражадаги маданияти ривожланиши учун камида уч юз-тўрт юз йил керак бўлган бўлса, Чуст шаҳри 4000 ёшда эканлиги илмий асосланган («Чуст тарихи» китоби 20 бет), бу манбаълар 1950-80 йиллар даврида ўша даврнинг номдор археолог олимлари М.Воронец, В.Спришевский, академиклар Я.Ғуломов ва А. Аскарлов, тарих фанлари доктори Ю.Заднепровский, олимлар Е.Волкова, М.Мехтарчиан, Б.Матбобоев, У. Рахмонов С.Баратов ва Х. Мухаммедовлар томонидан Чуст шаҳрида олиб борилган археологик экспедициялар даврида аниқланиб, Чустнинг “Бронза” даврига оид тўрт минг йиллик тарихи ЮНЕСКО халқаро ташкилотида «Чуст маданияти» номи билан рўйхатга олинган.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

	Темир йўл қатновлари. Поп темир йўл вокзалидан 25 км
	Автобус қатнови. Наманган-Чуст йўналишли автобуслар ҳар 10-15 дақиқада ҳаракатланади. Наманган автовокзали, Наманган шаҳар, Ислон Каримов кўчасида жойлашган.
	Такси хизматлари. Royal taxi. 1087 Mega taxi. 78 223 00 00 Namangan Taksi, Namangan shahar, O'zbekiston ko'chasi, 100-uy. 998 91 363 09 49 Yandex Taxi, Namangan shahar, +998 55 251 11 10

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИЛАР

Туристтик корхоналар (Туроператорлар)	Гид-экскурсоводлар
1. "CHUST ISTIQLOL TRANS SERVIS" МЧЖ. Чуст тумани, Камарсада МФЙ, Чароғон кўчаси, 2а-уй. +99897 250-94-44 Хошимов Шухратжон Турғунович 2. "BIFAVIA-TRAVEL" МСНЖ. Namangan viloyati, Chust tumani, Садача МФЙ, Саодат кучаси, 17-уй. +998 91 292 40 10 https://bifavia-travel.uz/uz/ БАКИЙЕВ ИЛХОМ ФОЗИЛОВИЧ	

Қўшимча маълумотлар.

Хавфсиз туризм учун қисқа рақамлар

Police – 102

Ambulance – 103

Call centr for tourists – 1173

Ипотека банки

Манзили: Наманган Шаҳар,

А.Навоий кўчаси 63 уй

Тел: 99 878 223 03 02

Тел: 99 878 223 03 19

Қишлоққурилиш банки

Манзили: Наманган Шаҳар,

А.Навоий кўчаси 70А уй

Тел: 99 878 150 50 55

Тел: 99 869 223 04 35

Халқ банки

Манзили: Наманган Шаҳар, Бобур

шоҳ кўчаси 139 уй

Тел: 99 869 612 17 59

Банк тўлов хизматлари

ЧУСТ ТУМАНИ ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИ

БИБИ ОНА ЗАЁРАТГОҲИ



Бронза даврига оид Чуст манзилгоҳи яъни Бибиона ёдгорлигининг ҳозирги кундаги сақланиб қолган ер майдони 4,05 гектарни ташкил этади. Археологик ёдгорлик ҳудудида қади-мий шифобахш булоқ мавжуд бўлиб, ушбу булоқ Бибиона-қайнар булоқ номи билан машҳур. Башарият тарихининг ибтидоий босқичларида вужудга келган илк деҳқончилик маданиятлари ҳақида гап юритилганида, олимлар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам тилга олишади. Кейинги йилларда республикаимизнинг турли жойларидаги қадимги манзилгоҳлардан топилган талай моддий-ашёвий, далилий топилмалар бу фикр-хулосаларнинг тўғри эканини исбот қилди.

Бу маданият дастлаб ва энг кўп ўрганилган ёдгорликларнинг номи билан Чуст маданияти деб аталади. Энг биринчи ўрганилиб фанга киритилган Чуст

даври ёдгорликларининг Фарғона водийсидан топилган харобалари тарихий – археологик ва хронология жиҳатидан сўнгги бронза (жез) даврига мансубдир.


Чуст ёдгорлиги асосан эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири – биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу манзилгоҳлар ичида энг машҳури ва яхши ўрганилгани Чуст маконидир. Бу ёдгорлик Чуст шаҳридан икки километр шимолда, Ғовасой соҳилида жойлашган кўҳна тепалик, яъни кўҳна кент, қишлоқ харобасидир. Халқ тилида Буонамозор номи билан юритиладиган бу манзилгоҳ дастлаб 1950 йилда археолог М.Э.Воронец томонидан тадқиқ қилинган. 1951-61 йилларда археолог В.И.Спришевский томонидан ўрганилди. Сўнгра 1974-82 йилларда Ю.А.Заднепровский раҳбарлигида қидирув ишлари олиб борилди. 1982-84 йилларда Академик Аҳмадали Асқаров бошчилигида ўзбекистонлик ва петроградлик олимлар томонидан 500 квадрат метрдан ортиқ майдон очиб ўрганилди.

Бу ёдгорликдан 2 йиллик қазишмалар вақтида 80 та чуқур ўра-омборлар очилди ва археология фани учун ғоятда қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

Буонамозор харобасини текширган олимлар унинг ёшини турлича талқин қилиб келмоқ-далар. Сўнгги тадқиқотлар натижасида Буонамозор ёдгорлигининг ёши милoddан аввалги X-VIII асрларга оид, деган хулосага келинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ибтидодий одамлар, хусусан, деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли орасида ер, сув, қуёшга муносабат жуда кучли бўлган. Буонамозордаги қадимий булоқ ҳам илоҳийлаштирилган бўлиб, одамлар диққатини ўзига қаратади, яъни «Бибиона мозори» деб ном олгани ҳам ана шу булоқни муқаддаслаштириш ва илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлса керак. Буонамозор аҳолиси ибтидодий жамоа тузумида яшаганлиги ҳақиқатга яқин туради. Бинобарин, бу даврда эркаклар оғир юмушларни бажарганлар, аёллар эса жамоада катта роль ўйнаб, жамоани бошқарганлар.

МАВЛОНО ЛУТФИЛЛОҲ МАЖМУАСИ



Мавлоно Лутфуллоҳ ҳозирги Поп тумани Чодак қишлоғида 1487 йилда туғилган. Аввал Чодакдаги хонақоҳда, кейин Махдуми Аъзам Косоний билан биргаликда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида таҳсил олган. Сув қурилиши иншоотлари бўйича йирик олим бўлиб етишган. Бундан ташқари, тасаввуф таълимотини тўла ўзлаштириб, бу таълимотнинг Фарғона водийсидаги ташвиқотчиларидан бирига айланган. XVI асрда яшаб ижод қилган Убайдулло Самарқандий ўзининг «Пир Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий» номли китобида бу инсон ҳақида тўла маълумот берган.

Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуи Фарғона водийсидаги Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, дин арбоби, халқ орасида машҳур мироб, табиб, ва сиёсий арбоб сифатида

танилган шахс ҳурмати учун халқ томонидан барпо этилган бетакрор ёдгорликдир. Зиёратга келувчилар Мавлоно Лутфуллоҳ қабрини тавоф қилиб, руҳи покига тиловат қиладилар. Аслида Мавлоно Лутфуллоҳнинг ҳақиқий қабрлари турган жой бузилиб кетганлиги учун аниқ эмас. Боғдаги қабр эса, рамзий ҳисобланади.

Поп туманидаги Чодак қишлоғида Мавлоно Лутфуллоҳ номи билан боғлиқ ҳовли бўлиб, у жойда Мавлоно Лутфуллоҳ яшаган одмигина қадимий уй сақланиб қолган. Ҳовлидаги яна бир уйда эса қабр мавжуд бўлиб, уни ҳам Мавлоно Лутфуллоҳнинг қабри дейишади. Эҳтимол Чустдаги қабрлар бузилганда, унинг жасадини Чодакдаги уйига кўчириб олиб бориб, қайта дафн қилинган бўлиши мумкин.

Шайх Мавлоно Лутфуллоҳ ҳар тарафлама кенг қамровли билим эгаси бўлганлиги, адолатпарварлиги туфайли халқ орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган эди. Бу инсон қатор масжид ва мадрасалар қурилишига, қақраб ётган ерларга сув чиқариш, ариқлар қазिशга бош бўлади. Ривоятларга кўра, шайх ҳассаси билан чизиб берган жойдан албатта сув чиқа бошлаган. Боғ ҳудудидаги барча булоқлар шу инсон шарофати билан вужудга келган деган ривоятлар ҳам мавжуд. Халқ сувсизликдан азоб чекканда, албатта шайхга мурожаат қилишган. Бу инсон ҳамиша камбағал деҳқонлар оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилар, одамлар орасида келиб чиққан зиддиятларни ақл-идроққа таяниб бартараф этишга чорларди.

Шайх бу ердаги барча диний маросимларга бош-қош бўларди ва давлат ҳуқмдорлари ҳам у билан бамаслаҳат иш қўришарди. Шайхнинг жуда кўплаб шогирдлари бўлиб, улар шайх ҳомийлигида Ислом таълимотини Ўрта Осиёнинг турли бурчакларида, Ҳисор, Бадахшон, Фарғона водийси ва Афғонистонда тарғиб қилади. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий бир умр халқ ғамини еди, одамларни яхшиликка, биродарликка чақирди. У тасаввуф ва дунёвий илмларни чуқур эгаллагани боис халқ орасида улуғ аллома сифатида элга танилди. Бу меъморий мажмуа қадимда мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ ва минорадан иборат бўлган. Ҳозирги кунда сақланиб қолган минорани XIX аср охирларида уста меъмор Мулла Қирғиз ўз шогирдлари билан таъмирлашган. Мезанали миноранинг баландлиги 17 метр, минора қурилишида ғишт-арзик, оҳак, кошин, ганч ва бошқа қурилиш ашёлари ишлатилган. 1971-1972 йилларда наманганлик наққош усталар томонидан масжиднинг сақланиб қолган айвонидаги рангли безаклар ва нақшлар қайта таъмирланди.

ХЎЖА АБДУРАҲМОН ИБН АВФ МАЖМУАСИ



Масжид зиёратгоҳ Чуст тумани Тошқўрғон қишлоғида жойлашган бўлиб, 1908-1910 йилларда уста Йўлдош Отабоевва Усмон Ҳалиловлар томонидан қайтақурилган. Деворлари кўшсинчли, томи текис. Фасад қисми айвондан иборат. Масжид ичида чиллахона қолдиқлари сақланиб қолган. Ҳозирда масжид биноси муқаддас қадамжо сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу зиёратгоҳнинг ташкил топган вақти аниқ эмас. Мажмуанинг ер майдони 1,97 гектардан иборат. Мажмуада масжид биноси, қабр, чиллахона, булоқ ва қадимий дарахтлар мавжуд.

Шунингдекбу ердаги чинор дарахтида ажойиб табиат мўъжизасини кўриш мумкин. Икки чинорнинг биттадан шохи бир-бирига бирлашиб ўсиб, йўғонлашиб қолган. Мажмуадан унча узоқ бўлмаган жойда, мажмуа таркибидан ўрин олган - Сумбулмозор жойлашган.

Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсида ислом дининитарғиб этишда фаоллик кўрсатган, одамларни эзгулик ва меҳр—оқибатга чорлаган, мусулмон оламининг азиз зотларидан бири Хожа Абдурахмон ибн Авфшарафига тикланган рамзий қабр, мақбара ва масжид мавжуд.

Ҳабашистонга кетишни истаган 11 эркак ва 4 аёлдан иборат бўлган биринчи гуруҳ Маккадан яширин равишда чиқиб, Қизил денгиз бўйлаб кетди. Уларнинг ичида Усмон ибн Аффон ва хотини, Зубайр ибн Аввом, Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Масъуд бор эдилар. (Диншунослик-82 бет). Милодий 623-625 йилларда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) вафотларигача қарамоқларида бўлганлар.

Кунларнинг бирида 5 ёшли Хожа Абдурахмон агар менинг отам бўлганларида туя олиб берган бўлар эдилар, мен туяни миниб сайрга чиққан бўлардим, деганларида, Пайғамбаримиз (с.а.в.) боланинг кўнглига қараб: «Мен туя бўлсам миносизми?» - деяелкаларига миндириб олган эканлар. Шунда бола: «Агар туя бўлсангиз, нега авф-авф демаяпсиз?»— деганида, Муҳаммад (с.а.в) икки марта «авф-авф» деган эканлар. Шунинг учун Хожа Абдурахмонга «Авф» нисбати қўшиб айтилади. Ҳозирги кунда бу ерга кўплаб зиёратчилар келиб туришади.

Масжиднинг чап томонида чиллахона олдидаги булоқни ҳовузга айлантирилган. Суви чучук ва шифобахш ҳисобланади. Турли ҳудудлардан доимо келиб турувчи, зиёратчилар билан гавжум масканлардан бири. Келувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Демак сайёҳликни бемалол йўлга қўйса бўладиган ҳудудлардан бири.

КЎКТЎНЛИ ОТА МАСЖИДИ



Чуст шаҳар Хўжаобод маҳалласида, Чуст–Гова автойўлининг ўнг қирғоғида жойлашган. Хонақоҳли, айвонли масжид бўлиб, унинг шифтлари, тўсинлари, вассажуфт ва устунларидаги ўймакор ва рангли безаклар яхши сақланиб қолган. Унинг ҳовлисида Кўк тўнлик отанинг қabri жойлашган.

“Кўк тўнли ота мақбараси ва Ворисбой масжиди” мажмуаси

Кўк тўнли ота (Муҳаммад Забонбой)

Чуст тумани азиз авлиёлар, дин пешволари ва халқ орасида обрў топган олимлар юртидир. Албатта, ўзбек халқининг тарихи ислом дини тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, ўзбек халқини оламга танитган ота боболаримиз асосан Қуръон ва Ҳадис илми билимдонлари бўлишган ва ҳозирги кунда ҳам уларнинг ёзган китоблари мусулмон дунёсида асосий манбаъ ҳисобланади.

Ҳурмат билан тилдан тилга кўчиб келаётган “Кўк тўнли” ота халқ орасида юрган манбаъларга асосан Жиззах томонда туғилган деган тахмин юради. Жиззах шаҳридан 55 километрлар, Зомин шаҳарчасидан 5 километрлар чамаси узоқликда, Зоминдан тоғ оша Бахмалга борадиган тоғ йўлининг шундайгина ёқасида жойлашган “Кўк тўнли” ота зиёратгоҳи жойлашган.

Ёдгорлик тошида у ерга дафн этилган шахс «Вазир Соҳиб Забонбой, 1209 йил вафот қилган» номи ўйиб ёзилган. Ушбу мазор 2006 йил археолог Тўра Эргашев томонидан топилган.

Хоразм хони, тарихчи Абулғози Баҳодирхоннинг турк халқлари ҳукмдорлари тўғрисидаги “Шажараи тарокима” солномасида Кангли

қишлоғининг «Кўк тўнли» тахаллусли йўлбошчиси ҳақида келтирилган, «Қанғли халқининг хонининг оти «Кўк тўнли» бўлганлиги айтилади.

“Кўк тўнли ота” – “Кимки шу туфроққа ихлос билан бир таёқ суқса, ёки бир уруғ қадаса-ю кўкармаса ва ё унмаса мен заминман, мен заминман, мен замин!” – деган машҳур иборанинг эгаси сифатида талқин этилади.

Республикамизнинг жуда кўп жойларида “Кўк тўнли” ота зиёрат манзиллари мавжуд бўлиб шулардан бири Чуст шаҳридадир.

Ривоятларга кўра Чустда дафн этилган “Кўк тўнли” ота Вазир Соҳиб Забонбойнинг ўғиллари тасаввуфий тариқат пешвоси (Пир) Муҳаммад Забонбой бўлиб, у киши баъзи тахминларга асосан 109 йил, баъзи тахминларига асосан 120 йил умр кўриб 1267 йилда вафот этганлар дейилади. Демак ривоятларга кўра “Кўк тўнли” ота битта одам эмас, у кишининг фарзанлари ҳам бўлиб, “Кўк тўнли” тахаллуси отадан болага ўтиб келган деган хулосага бориш мумкин. Чунки уларнинг вафот этган йиллари орасида 58 йил фарқ бор.

Кўк тўнли ота (Муҳаммад Забонбой)ни XI-XII асрларда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Ҳожа Аҳмад Яссавий билан ҳамсуҳбат бўлганлар ва шогирд саналган ҳам дейишади. Тарихий маълумотларга кўра Ҳожа Аҳмад Яссавий 1041йилда Ҳозирги Қозоғистон Республикасининг Сайрам қишлоғида Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган ва 1167 йилда 126 ёшида вафот этган, ҳисоблаб қарасак Кўк тўнли ота 1147 йил туғилган бўлсалар, Кўк тўнли ота 20 ёш бўлганларида Аҳмад Яссавий оламдан ўтган эканлар, демакки тахминлар ва ривоятлар бир-бирига мос келаяпти.

Ўша даврда 20 ёш бу энг гуркираган ва илмий фаолият кучайган давр бўлган, чунки Ҳожа Аҳрор Вали Мавлоно Лутфуллоҳга шогирд бўлганларида 23 ёшда эдилар. Бошқа тариқат илми олимлари ҳам Қуръонни 5-6 ёшли болаликларидаёқ тўлиқ ёд олишган, демак бу тахминларга асос бор албатта.

Аҳоли “Кўк тўнли” отага ихлос қилиб, унинг дуосидан кўк йўтал ва шунга ўхшаш давоси қийин бўлган касалликларга даво топишган. Оғасарой қишлоғида ҳам кўк йўтал касалига чалинганлар кийимини осиб қўйса шифо топиши айтилган қадимий тут дарахти бўлиб бу дарахт тарихи ҳам “Кўк тўнли ота”га боғланади.

Чустда дафн қилинган “Кўк тўнли” ота ҳурмати учун Хўжаобод маҳалласининг бойларидан бири Ворисбой (тахминий 1830-1915) томонидан айнан кўк йўтал касалидан шу зоти Шарифга ихлос қилиб соғайгани сабабли унинг қабри олдида 1888-1904 йилларда масжид қурдирилган. Ворисбой Чустнинг саҳоватпеша бойларидан бўлиб, у камбағал оилада туғилган, ўзининг меҳнатсеварлиги сабабли ёшлигида маҳалла чўпони бўлиб аҳолини чорвасини боқиб юрган. Ҳалол хизматлари туфайли бора-бора ўзининг қўй эчкилардан иборат бир нечта подалари бўлишига эришган тўққиз фарзанднинг отаси ўз саҳовати билан ном чиқарган бойлардан бири бўлган. 1924 йилдан совет тузуми бойлар ва илм аҳлини репрессия қилиши сабабли унинг фарзанлари отасидан мерос қолган (бугунги кундаги Давлат архиви ўрнида) жойдан Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларига қочиб кетишга мажбур бўлишган. Ворисбойнинг ҳозирги кунда яшаб келаётган эвараларидан бири Чуст темир йўл станцияси олдидаги кўчада яшайдиган Олимжон ота Бойбоевдир.

Совет даврида масжиднинг ҳовлисининг асосий қисми сил касалликлари диспансери ва поликлиника сифатида фойдаланиб келинган. “Кўк тўнли” ота қабрларини оёқ томонига “Сил касалликлари диспансери” қилиниши сабаби ҳам айнан ул зоти Шарифнинг ҳурматлари юзасидан касаллар(сил, кўк йўтал касалликлари ҳаммаси бир тоифадаги ўпка касаллиги эканига эътибор беринг) шифо топгани эмасмикин.

Мустақиллик шарофати билан 90 йилларда Хўжабод маҳалласининг сармоядор ҳожи оталаридан Луфуллоҳ ҳожи ота Маҳкамов раҳбарлигида “Кўк тўнли” ота қабри ва масжид таъмирланиб масжид фаолият кўрсата бошлади. Масжид 1998 йилгача фаолият кўрсатиб келди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1-майдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 618-І-сонли қарорнинг янги таҳририга асосан адлиядан қайта рўйхатдан ўтказиш кечикиб кетиши сабабли масжид фаолияти тўхтаб қолган эди.

Маҳаллий тоифага мансуб бу тарихий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 120-сонли қарорига асосан, “Азизлар юрти” хайрия жамоат фонди ташаббуси ва таклифига асосан отасининг издоши Ҳафзуллоҳ ҳожи ота Маҳкамов раҳбарлигида маҳалла аҳолиси ушбу мақбара ва масжид биносини қайтадан таъмирланиш ишлари якунланиб, зиёратгоҳ ва масжид қайта тикланди. Туманимизда шундай саховатли ҳожи оталаримиз ва ўз тарихини қадрлайдиган халқимиз борлигидан фахрланасан.

Бугунги кунда туманимизда “Бибиона”, “Хожаи Дод” ва “Кўк тўнли ота” зиёратгоҳлари ва “Ворисбой масжиди”нинг обод бўлиши ва ҳаётга қайтиши яна халққа хизмат қила бошлаши, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг зиёратгоҳ ва тарихий обидаларга алоҳида эътибор қаратиши ҳамда туризмнинг ривожлантиш бўйича олиб бораётган сиёсатининг туманимизда изчиллик билан бажарилаётганининг ёрқин мисолидир¹.

¹ Собирхон Муминов, “Азизлар юрти” хайрия жамоат фонди раиси


ОТЧОПАР ЭШОН ХОНАҚОҲИ



Чуст шаҳар Пансада маҳалласида жойлашган бўлиб, тахминан 1850 йилларда қурилган. Ушбу зиёратгоҳ масжид, чиллахона, хужралардан иборат 7x17 метрли ўлчамдаги обидадир. Зиёрат-гоҳ ҳовлисида Қуддусдан келиб қолган азиз авлиё, қароматпеша эшон-лардан Сўфи Қурбонбоқий Эшон (Шерсувор), Мирсаидхон Эшон, Мирайимхон Эшон (Отчопар Эшон бува) қабрлари мавжуд.

Отчопар Ҳозирда бу хонақоҳ тўғрисида Мулло Мир Раҳим хожи мутавалли мулло Саид Нишон томонидан ёзилган вақфнома ва бир қанча тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Отчопар Эшон бува томонидан Макка шаҳрида Чуст такяси, яъни меҳмонхона қуриб қолдирилган бўлиб, бу ҳақда у кишининг авлодларида ҳужжатлар сақланиб қолган.

ҒОВА ҚИШЛОҒИ (ДЕВОРИЙ СУРАТЛАР)



Ғова қишлоғи Наманган вилояти, Чуст туманининг шимолий қисмида, қўшни Қирғизистон билан чегара ҳудудда тоғ оралиғида жойлашган. Тиниқ ва зилол сув оқувчи Ғовасой, мусаффо ҳавоси билан Ғова қишлоғи узоқ йиллардан буён водий аҳлининг дам олиш, ҳордиқ чиқариш масканига айланиб улгурган. Бу ерда аҳоли асосан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва асаларичилик билан шуғулланади. Қишлоқ ҳудуди катта қисми тоғ билан туташиб кетгани, қишлоқ ўртасидан сой оқиб ўтгани ва аҳоли томонидан кўплаб дарахтлар экилгани ҳудуднинг салқин ҳавосини таъминлайди. Шу боисдан ҳам ёзнинг иссиқ кунларида Андижон, Фарғона ҳамда Наманганнинг бошқа туманларидан ва Чуст туманининг бошқа қишлоқларидан ҳам Ғовада дам олиш учун келишади.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал дейишганидек, Ғова қишлоғини ҳам ўз кўзингиз билан кўришни тавсия этамиз.

ЧУСТ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ



Наманган вилоятининг Чуст тумани ўзининг пичоқ ва дўппилари билан билан азалдан дунёга машҳур бўлиб келган. Уларни тайёрлаш сирлари авлоддан авлодга ўтиб келади. Чуст дўппидўзлик санъати қарийб уч ярим минг йиллик тарихга эга. Чуст тумани “Камарсада” маҳалласи дўппидўз ҳунармандлар маҳалласидан бири. “Дўппи нусхалари орасида энг қимматбаҳо ва нафиси “Сатин дўппи” ҳисобланади. Уни тайёрлаш бошқа дўппиларга нисбатан катта машаққат ва узоқ вақт талаб қилади”. Бундан ташқари, Чуст шаҳри ўзининг яна бир бойлиги – пичоқлари билан ҳам эл орасида машҳур. Чуст пичоқлари кўпдан бери шаҳарнинг бренди ҳисобланиб келади. Анъанавий пичоқчилик санъати авлоддан авлодга ўтиб келади.

ТЕШИКТОШ ВА ЖУН БУВА МАЖМУАСИ



ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ



📍 Чуст шаҳар, Наманган кўчаси, 11 уй
Shoxona Hotel
☎️ **Телефон:** 8 99 925 09 62

ЧУСТ ШОХОНА МЕҲМОНХОНАСИ

Чуст шаҳар, Наманган кўчаси, 11 уйда жойлашган. Хоналар бир кишилик, икки ва тўрт кишилик хоналарга бўлинади. Хоналарнинг ўртача нархи 250 минг сўмдан 500 минг сўмгача. Хоналарни олдиндан банд қилишда имтиёзлар мавжуд.



📍 Чуст шаҳар, Наманган кўчаси, 80-уй, Fayz Hotel
☎️ **Телефон:** 8 90 222 21 29

ФАЙЗ МЕҲМОНХОНАСИ

Чуст шаҳар, Наманган кўчаси, 80 уйда жойлашган. Хоналар бир кишилик, икки ва тўрт кишилик хоналарга бўлинади. Хоналарнинг ўртача нархи 100 минг сўмдан 400 минг сўмгача. Хоналарга хизмат кўрсатиш мавжуд эмас, нонушта ва кечки овқат берилади.

КАФЕ ВА РЕСТОРАНЛАР



📍 Чуст шаҳар, Тошкент кўчаси, 75 уй
☎️ **Телефон:** 8 99 630 69 96

ШАФРАН КАФЕ

Чуст шаҳар, Тошкент кўчаси, 75 уйда жойлашган. Кафеда кенг таклифлардаги миллий ва европа таомларини буюртма қилиш мумкин. Оилавий йигинлар, тугилган кун ва учрашувлар ўтказиш учун буюртмалар бериш мумкин.



📍 Чуст шаҳар, Камарзода кўчаси, 23 уй
☎️ **Телефон:** 8 91 192 82 80

"FABRIKA" РЕСТОРАНИ

Чуст шаҳар, Камарзода кўчаси, 23 уйда жойлашган. Оилавий ресторан, миллий ва европа таомларини буюртма қилиш ҳамда оилавий йигинлар, тугилган кун ва учрашувлар ўтказиш учун буюртмалар бериш мумкин.

ЧУСТ ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАРИ МАШРУТИ

ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАР

№ Тур объектлар номи

1. Биби Она заёратгоҳи
2. Мавлоно Лутфиллоҳ мажмуаси
3. Хўжа Абдурахмон ибн Авф мажмуаси
4. Кўктўнли Ота масжиди
5. Отчопар Эшон Хонақоҳи
6. Ғова (Деворий суратлар)
7. Чуст хунарандчилиги
8. Оташпарастлар ибодатхонаси
9. Тешиктош ва Жун Бува мажмуаси

